

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

КУРС ИШИ

**Мавзу: “Тижорат банкларининг банклараро вакиллик
муносабатларини ташкил этиш”**

Бажарди: БИ-1 гуруҳ магистранти

Маликова М.

Илмий рахбар: доц.Н.Эрназаров

ТОШКЕНТ-2013

Режа:

Кириш.

1. Ўзбекистонда замонавий банк тизимининг ташкил қилиниши.

2. Банклараро ҳисоб-китобларнинг ташкил этилиши, ҳисоби ва расмийлаштирилиши

3.Тижорат банкларида вакиллик муносабатларини қўллаш соҳаларини кенгайтириш ва муҳофазалашни ошириш имкониятлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистон иқтисодиётини ҳам синовдан ўтказди. Аксарият давлатларда иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилган бир пайтда республикамизда барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Шу маънода, инқироз яна бир бор мамлакатимизда амалга оширилаётган таррақиётнинг “ўзбек модели” нақадар асосли эканлигини яққол намоён қилмоқда. Айни пайтда биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда.¹

Тўлов механизми хўжалик субъектларининг товар алмашувини молиявий томондан ташкил этиб, унинг бенуқсон ва тўхтовсиз ишлашидан бутун иқтисодиёт самарали фаолият кўрсатиши мумкин.

2012 йилда республика банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар» ҳамда Ҳукуматнинг банк тизимида оид қарор ва дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

- тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, депозит базасини кенгайтириш;

- тижорат банкларининг активлари сифати, улар фаолиятидаги таваккалчиликлар, айниқса кредит таваккалчилигини бошқаришнинг сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш;

- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узок муддатли депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш;

¹Каримов И.А. барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.-2011 й. 36.

- банк назоратини халқаро амалиётдаги янги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш;

- республика тижорат банклари ва банк тизими фаолиятини баҳолашда халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий этиш ва уларнинг бажарилишига эришиш;

- иқтисодиётга йўналтирилаётган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш механизмини янада соддалаштириш ва уларга ажратиладиган кредитлар ҳажмини ошириш, авваламбор, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун узоқ муддатли кредитлар беришни рағбатлантириш;

- банк қонунчилигини, жумладан, хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш орқали молия-банк соҳасига хусусий капитални жалб қилишни кўпайтириш;

- тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботни юритишда замонавий технологиялар ва услубларни жорий этиш, уларнинг сифати ва шаффофлигини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

1. Ўзбекистонда замонавий банк тизимининг ташкил қилиниши.

Банк тизими бозор иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Товар пул муносабатларининг кенг миқёсда ривожланиши банклар олдида янгидан-янги операциялар бажаришга имкониятлар очиб беради.

Шунинг учун ҳам республикада бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизими яратиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг бош мақсади жаҳон талабига мос келувчи, ривожланган миллий кредит тизимига эга бўлиш, хўжаликлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш ва уни самарали тақсимлаш асосида аҳолининг талабларини қондириш учун замин яратиш ва яшаш шароитини яхшилашга эришишдан иборат. Бу мақсадга эришишни таъминлаш учун давлатимиз томонидан мамлакатимиз банк секторининг ривожланишини таъминловчи зарурий макроиқтисодий шароитларни ҳамда банк тизими барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, банк назорати тизимини ва банклар фаолиятини бошқариш усуллариини такомиллаштириш, банкларнинг депозит, кредит, ва инвестиция фаолиятини янада ривожлантиришга эришиш ва банклар ўртасида рақобат бўлишини таъминлашга асос яратишдан, нобанк ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, молия-кредит секторининг ҳуқуқий базасини яхшилаш, уларнинг моддий-техник жиҳатдан самарали таъминланганлигига эришиш каби чораларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Банк тизимини қайта ташкил қилишни амалга ошириш қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда олиб борилиши мумкин:

— хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг ишончини қозониш мақсадида банк-молия тизими барқарорлигига эришиш;

— Банк тизимидаги ислохотлар умумиқтисодий ислохотларнинг ўтказилиши билан мос келиши;

— банк-молия тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш йўли билан жаҳон банк тизимига яқинлаштириш;

— пул-кредит сиёсатини олиб боришда мамлакатнинг ички эҳтиёжлари ва иқтисодиётнинг хусусиятини ҳисобга олиш;

— банклар фаолиятида мижозлар манфаатини устун қўйиш ва бошқалар.

Бизнинг заминимизда мавжуд бўлган банкларнинг ривожланишини икки йirik даврга бўлиб қараш мумкин. Биринчи давр — бу Ўзбекистон мустақилликка эришгунгача бўлган даврдаги банк тизими ва иккинчи давр Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги банк тизими ва унинг ривожланиш босқичларини ўз ичига олади.

Биз таъкидлаганимиздек, Ўзбекистонда банк тизими икки поғона-ли бўлиб, банклар тизимининг биринчи поғонаси – бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, иккинчи поғонаси – тижорат банк-лари, уларнинг шўъбалари, чет эл банклари шуъбалари ҳисобланади.

1991 йилнинг 31 августида Республикамиз мустақиллиги эълон қилиниши тарихий воқеа бўлди. Мустақиллик бизга ўз-ўзимизни бошқариш, имкониятларимиздан ўзимиз фойдаланиш, шахсия-тимизни қайтиб олишимизга катта йўл очиб берди.

Бутун дунё мамлакатлари томонидан тан олинган бозор иқти-содиёти бизнинг республикамизга ҳам кириб келди. Шунинг учун ҳам республикамизда бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизimini яратиш зарурияти туғилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар бўлган банк тизимининг ривожланишини таҳлил қилиб қарайдиган бўлсак унинг ривожланишининг қуйидаги босқичларини келтириш мумкин:

— биринчи босқич XIX асрнинг охиридан 1930-32 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр ичида олдинги мавжуд бўлган банклар заминада Собиқ Совет Иттифоқининг кредит тизими ташкил қилинди. Бу даврда 30-йилларда иқтисоднинг ривожланишига мос келувчи банклар: тармоқ банклари, ўлка банклари, тижорат банклари, махсус банклар, давлат банклари каби банклар фаолият кўрсатган;

— иккинчи босқич 1932 йилдан 1959 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда банклар фаолиятида ўзгаришлар юз берди ва банклар вексель орқали кредитлашдан (ўша даврларда бу кредитлаш амалиётда «эгри» кредитлаш деб ном олган) тўғридан-тўғри корхоналарни кредитлашга ўтказилган. Бу даврда хўжаликлар ўртасидаги вазифалар тақсимланган ва иқтисодиёт соҳалари бўйича банклар ташкил қилинган ҳамда бу банклар фақат шу соҳаларни узоқ муддатли кредитлаш ва молиялаштириш билан шуғулланган. Давлат банки эса асосан қисқа муддатли кредитлаш жараёнларини олиб борган;

— учинчи босқич 1959 йилдан 1988 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда мавжуд тармоқ банклари қайта ташкил қилиниб, мамлакатдаги барча кредит муносабатларини олиб бориш мақсадида учта банк ташкил қилинди. Булар: Давлат банки, қурилиш банки, ташқи савдо банки бўлган. Давлат банки иқтисодиётнинг барча соҳаларига фақат қишлоқ хўжалигининг баъзи эҳтиёжлари учун узоқ муддатли кредитлар берилган) қисқа муддатли кредитлар бериш билан шуғулланган. Қурилиш банки капитал қўйилмалар билан боғлиқ бўлган харажатларни, қурилишни молиялаштириш, узоқ муддатли кредитлар бериш билан боғлиқ

операцияларни бажарган. Ташқи савдо банки Москвада жойлашган бўлиб, мамлакатнинг экспорт-импорт билан боғлиқ фаолиятини бошқариб борган;

— тўртинчи босқич банк тизимини қайта ташкил қилиш даври бўлиб, у 1988 йилдан 1990 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган. Бу даврда банк тизимида катта ўзгаришлар рўй берди ва давлат банки билан бир қаторда махсус тармоқ банклари ташкил қилинди.

Бу банклар жумласига, Саноат Қурилиш банки, Агросаноат банки, Уй-жой қурилиш ва ижтимоий таъминот банки, жамғарма банк ва ташқи иқтисодий фаолият банки кабилар кирди. Бу банклар фаолиятининг хусусиятли томони шунда эдики, улар ўзи хизмат кўрсатадиган соҳага узоқ ва қисқа муддатли кредитлар бериш ҳуқуқига эга эдилар.

Шу даврдан бошлаб Давлат банкидан кредитлаш функцияси олиб ташланди ва у эмиссион банк сифатида фаолият кўрсатадиган бўлди. 90-йилларда банк тизимини қайта ташкил қилишдан асосий мақсад мамлакатда юз бераётган асосий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда банклар зиммасига корхоналар ва ташкилотларга комплекс хизмат кўрсатишни таъминлаш ва корхоналар билан банклар ўртасидаги муносабатларни хўжалик ҳисобига ўтказиш, қуйи банк муассасаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини оширишдан иборат эди.

Мустақиликка эришгунга қадар Ўзбекистон ҳудудидаги банк муассасалари СССР банк тизими таркибий қисмига кирар эди. Шу билан бирга бу банклар собиқ «Иттифоқ» банк тизими доирасидан ташқарида фаолият кўрсата олмасдилар. Собиқ СССР банк тизимида Давлат банки монопол мавқега эга бўлиб, у бир вақтнинг ўзида эмиссия институти, қисқа муддатли кредитлаштириш ва хўжаликларга ҳисоб-китоб операциялари бўйича хизмат кўрсатувчи марказ ҳисобланарди. Давлат банкининг ҳам эмиссия функцияларини ҳам ҳисоб-китоблар ва 90-йилларгача кредитлар бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш функцияларини бажаришга мононоллашуви уни давлат бошқарув ва назорат органига айланган эди.

Маъмурий буйруқбозлик даврида кредит муносабатлари иқтисодиётни бошқаришда нормал характерга эга. Давлат банки кредит ресурслари бўйича чекланмаган монопол мавқега эга эди. Кредит ресурслари ҳаракатини ҳам бошқариш ҳам назорат қилиш давлат банкининг монопол таъсири остида эди. Ривожланган мамлакатлар банк тизимида хос барча хусусиятларининг инкор этилиши, собиқ «Иттифоқ» банк тизимининг тор доирада ривожланишига олиб келади.

Марказлаштирилган банк тизими бошқарув асосида фаолият кўрсатаётган республика банклар тор доирада пул ресурслари ҳаракатини

бошқарар, лекин ресурсларни тақсимлаш, эмиссион жараёнларни амалга ошириш ва назорат қилиш собиқ «Иттифоқ» Давлат банки кўлида эди.

Иқтисодиётни бошқаришнинг марказлаштирилган усулидан воз кечиш ва бозор иқтисодиёти томон дастлабки қадамлар қўйилиши биланок марказлаштирилган банк тизимини қатор камчиликлари рўёбга чикди. Бу эса банк тизимида туб ўзгаришларни амалга оширишни талаб этарди. Албатта, бу бозор иқтисодиётига илк қадамлар қайта куриш шарофати билан бозорга хос баъзи бир белгиларни тоталитар иқтисодиётга татбиқ этилиши билан тушунилади. Бу жараёнда банк тизимининг ташкилий структурасини ўзгартириш, банкларнинг ролини ошириш, иқтисодий тизимни ривожланишига уларнинг таъсирини кучайтириш, кредитни ҳаракатдаги иқтисодий дастакка айлантириш кўзда тутилганди.

Банк тизими ривожланишининг иккинчи даври асосан Ўзбекистон мустақилликга эришгандан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу даврни қуйидаги босқичларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин:

— мустақил Ўзбекистон банк тизимини ташкил қилишнинг биринчи босқичи. Бу 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда 1992 йилнинг сентябргача Ўзбекистон давлат банки собиқ СССР Давлат банкининг республика бўлими сифатида фаолият кўрсатди ва у кредит ресурсларни давлат корхоналари миқёсида тақсимлаш, эмиссион операцияларни олиб бориш билан шуғулланди. Қолган тармоқ банклар ҳам давлат мулкига асосланган эди.

Ўзбекистонда икки поғонали банк тизимини ташкил қилишга 1988 йилдан бошлаб киришилган бўлсада, бу мақсаднинг тўлиқ амалга оширилишига шароит 1994 йилдан бошлаб юзага келди. Бу даврга келиб Марказий банкнинг ташкилий таркибий асоси, фаолият олиб бориш услуги ўзгарди, тижорат банкларнинг сони ва улар бажарадиган операциялар салмоғи ошиб борди.

Банк тизимини ташкил қилишнинг биринчи босқичида марказлашган режалаштиришда Марказий банкнинг роли ҳали ҳам юқори эди, соҳаларнинг деярли ҳамма қисми давлат тасарруфида эди.

Ўзбекистон Республикасида икки босқичли банк тизимини ташкил этишга реал асос бўлиб, 1991 йил 15 февралдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» қонун ҳисобланади. Бу қонунга биноан давлат бошқарув органлари республика Марказий банки фаолиятига аралашмасликлари керак у фақат Республика Олий Мажлисига ҳисобот бериш ўринли эканлиги белгилаб берилди. Бу қонунни амалга тадбиқ этиш асосан Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг бошланди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўлини танланганлиги боис, биринчи босқичдаги пул-кредит сиёсати соҳасидаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

— Марказий банк бошчилигида кенг тармоқли тижорат ва хусусий банкларни икки босқичли банк тизими шаклида вужудга келтириш;

— Республика ҳудудида йирик чет эл банкларининг бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш учун қулай шароит яратиш;

— Барқарор пул муомаласини таъминлаш, кредит ва нақд пул эмиссиясини, асосиз ўсишини кескин чеклаш;

— Ўзбекистон Республикасининг миллий пулини муомалага киритиш учун зарур иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни яратиш ва бошқалар.

Қайта ташкил этиш жараёнининг биринчи босқичида давлат банкларини янги структурасини ташкил этиш бошланди. Қайта ташкил этиш модели қуйидагиларни ўз ичига олди:

— икки босқичли банк тизимини вужудга келтириш: Марказий эмиссион банк ва бевосита хўжаликларга хизмат кўрсатувчи ихтисослашган банкларни ташкил қилиш;

— ихтисослашган банкларни тўлалигича хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини молиялашга ўтказиш:

— иқтисодий тизим доирасида ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан бўладиган кредит муносабатлари услублари ва шаклларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Банк тизимини такомиллаштириш жараёни давомида давлат банки ўзининг кредит тизимидаги марказий ўрнини сақлаб қолган ҳолда корхона ва ташкилотларга кредит бериш ва улар билан ҳисоб-китобларни олиб бериш функциясини махсус ихтисослашган банкларга топширади, яъни банкнинг эмиссион фаолияти, кредитлаш фаолияти билан бирга олиб бориш функциясига чек қўйилди. Давлат банки ихтисослашган банклар фаолиятини бошқарувчи, барча банклар учун бир хил пул-кредит сиёсатини олиб борувчи муассасаларга айланади.

Банк тизимининг такомиллаштирилиши натижасида вужудга келган махсус ихтисослашган банклар: Саноат Қурилиш банки, Коммунал Қурилиш ва ижтимоий тараққиёт банки, Аграрсаноат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Жамғарма банки хўжаликлар билан банклар ўртасидаги алоқаларни тобора яқинлаштиришда ихтисослаштирилган давлат банклари ўзларида маълум даражада бошқарувчилик ролини сақлаб қоладилар. Банк тизимини такомиллаштириш жараёнида жуда муҳим натижаларга эришилди, лекин ташкил қилинган банклар иқтисодий муносабатларининг

хусусиятларини тўлиқ ифода қилолмасди. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банк тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқичи объектив заруриятга айланди.

Ўзбекистонда банк тизимини ташкил қилишнинг иккинчи босқичи 1994 йилдан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу даврда банк тизимимизнинг такомиллашган фаолиятини белгилаб берувчи банк қонунлари: 1995 йил 21 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва 1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди. Бу қонунларга асосан банклар фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди ва уларнинг ишлаш усулларини такомиллаштириш чоралари ишлаб чиқилди.

Тижорат банкларининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида банк назорати ва мониторингини амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини бошқариш усулларини такомиллаштириш ва халқаро талабларга мослаш, янги счетлар тизимига ўтиш, чет эл банкларининг шўъбаларини очиш, тўлов тизимини такомиллаштириш, тижорат банкларининг қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларини ривожлантириш, пул ва валюта бозорида банкларнинг актив фаолиятини таъминлаш каби долзарб масалалар ҳозирги кунда мустақил банк тизимининг ривожланиши туфайли ўз ечимини топмоқда.

Республикаimizда икки поғонали банк тизимини жаҳон тажрибасида қабул қилинган тамойилларга мувофиқ шакллантириш кўзда тутилган. Ихтисослашиш ва кредит-инвестицияларни иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимлаш Республикаimizдаги банк муассасаларининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Уларнинг фаолияти асосан устувор тармоқлар қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, уй-жой қурилиши, автомобилсозлик савдо ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Ҳозирги банклар акциядор-тижорат банклари сифатида ташкил қилиниб, бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга мослашган ва улар ихтисослашган банклар бўлсада, бошқа тармоқлардаги мижозларга ҳам кредит ва ҳисоб-китоблар бўйича хизмат кўрсатишлари мумкин. Банклар фаолиятининг универсаллашуви улар ўртасида рақобатнинг юзага келишига, бу эса уларнинг бозор иқтисодиётига барқарор кириб боришини таъминлайди.

Мустақил банк тизимини вужудга келтиришнинг иккинчи босқичининг хусусиятларидан бири шундаки, 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистонда махсус нобанк кредит ташкилотлари ташкил қилина бошланди. Бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш, корхона ва ташкилотлар фаолиятини ривожлатириш мақсадида махсус молия-кредит

институтлари — «Мадад» суғурта компанияси, «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси, хусусийлаштириш инвестицион фондлари ва бошқалар ташкил қилиниши республика банк-молия тизимининг ривожланишини тезлаштирмоқда.

Ҳозирда республикадаги кенг тармоқли банклар замонавий талабларга жавоб берадиган шаклда хўжаликлар, ташкилотлар ва аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

2. Банклараро ҳисоб-китобларнинг ташкил этилиши, ҳисоби ва расмийлаштирилиши

Ҳозирги кунда Республикамиз банк тизими уз ичига бир неча турдаги банкларни олади. Булар акциядор, хусусий қушма, ипотека ва давлат банкларидир. Бу тижорат банкларининг ҳар бири турлди мулкчилик шаклларига тегишли булган корхона, ташкилот, муассасаларига ҳамда юридик мақомга эга булмаган тадбиркорлар ва барча жисмоний шахсларга хизмат кусатади. Банклар томонидан халқ халқ-хужалигига хизмат курсатиш жараёнида банклараро муносабатлар вужудга келади. Банклараро муносабатлар банклараро ҳисоб-китоблар (оборотлар) орқали олиб борилади. Банклараро оборотларнинг мазмуни шундан иборатки, бир банк хизматидан фойдаланувчи корхонанинг талаб қилувчига сақланадиган ҳисобварағидан бошқа ҳисоб варағига хужжатда курсатилган сумма бухгалтерия ёзувлари орқали утказилади.

Демак, бир - бирлари билан ҳисоб-китобларни юритувчи корхоналарининг ҳисоб варақалари турли банкларда жойлашганлиги иккита банк уртасидаги ҳисоб - китобларни юзага келтиради. Агар узаро алоқада булган корхоналарнинг ҳар иккисидан битта банк хизматидан фойдалансалар, у ҳолда банклараро оборотлар вужудга келмайди. Унда пул утказиш операциялари бир банкнинг узида амалга оширилади.

Операцияларни бошлаган банкдаги оборотлар бошланғич банк оборотлари дейилади. Операцияларни тугалланган банкдаги оборотлар якуний оборотлар дейилади. Ҳар бир бошланғич оборотга якуний оборот мос келиши шарт.

Республикамиз банклари уртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни утказиш тартиби бир неча марта узгартирилган.

Ўтган аср 80 йилларининг охири 90 йилларнинг бошларигача барча банклар давлат мулки булиб бир поёнали банк тизими мавжуд эди. Банклараро ҳисоб-китобларни олиб бориши, бевосита туёридан-туёри бир

банкдан иккинчи банкка тулов ҳужжатларини жунатиш орқали олиб борилади. Ҳужжатларни жунатиш почта Ёки телеграф орқали амалга оширилар эди. Бунинг учун бошқа банкка жунатилиши лозим булган ҳужжатлар асосида «авизо», яъни огохнома тузилиб керакли банкка жунатилар эди. Авизолар дебет ва кредит авизоларга булинарди. Бошланҁич оборотлар 830 ҳисоб варақада (жорий йилнинг бошлангич авизолари) якуний оборотлар 840 ҳисоб варақада (жорий йилнинг якуний авизолари) олиб борилар эди. Банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоблаш марказида назорат қилинар эди.

90-йилларнинг бошларидан банклараро ҳисоб-китобларни ташкил этиш учун ҳисоб марказлари (расчетный центр) бир йил утгандан сунг уларнинг урнида клиринг марказлари ташкил этилди. Лекин уларнинг номи узгаргани билан функциялари бир хил эди, яъни улар банклар уртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил қилар эдилар. Бир шаҳардаги ҳисоб-китобларни олиб бориш учун 871-ҳисоб рақами (Бир шаҳар ичидаги банклараро узаро ҳисоб-китоблар) дан фойдаланилар эди. Турли шаҳарларда жойлашган банклар бир-бирларига вакиллик ҳисобварағи очиб узаро муносабатлари муносабатлари шу ҳисобварақалари орқали олиб борилдар эди.

1995 йилда марказий банк томонидан ҳалк хужалигида ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида барча худудий марказий банк бошқармалари қошида ҳисоб-марказлари ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Клиринг марказлари тугатилди. Почта орқали жунатиладитган огохномалар ҳам бекор қилинди. Янги ҳисоб-китоб тизими «электрон почта» тулов тизими жорий этилди.

Ҳозирги пайтда тижорат банклари уртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар Марказий банк орқали утказилади. Бунинг учун Марказий банк қошидаги ҳисоб- китоб марказларида алоҳида транзит ҳисобварақалари очилган.

Бундай транзит ҳисобварақалари тижорат банкларининг хеч бирида юритилмайди. Лекин тижорат банклари узларининг банклараро муносабатларини олиб бориш учун ҳисоб-китоб марказида вакиллик ҳисоб-варағини очишлари лозим.

Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи икки хил очилиши мумкин.

- Худудий бошқарма тижорат банкларининг барча булимлари учун марказий банк худудий бош бошқармасида минтақа буйича ягона вакиллик ҳисобварағи очади. Ҳар бир булимга эса алоҳида субҳисобварақалари очилади;
- Тижорат банкининг ҳар бир булими учун алоҳида марказий банкнинг худудий бош бошқармасида вакиллик варағи очилади.

Вақиллик ҳисобварағи очилаётганда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаси уртасида вақиллик муносабатлари туёрида шартнома тузилади. Тижорат банки вақиллик ҳисобварағи очилишини расмийлаштириш учун ҳудудий бошқармага ҳисобварақ очиш туёридаги ариза, банк уставининг нотариал тасдиқанган нусхаси, имзолар ва муҳр изи туширилган варақларининг нотариал тасдиқаган нусхаси ва бош банк аризаси ёки илтимосномаси тақдим этилади.

Вақиллик ҳисобварағи Марказий банк фармоишига кура очилади. Вақиллик ҳисобварақлари номерини ва банк кодини банк депозитлари Миллий Ахборот Базаси (БДМАБ) белгилайди. Вақиллик ҳисобварағи очиш туёридаги фармоиш тижорат банки ҳудудий бошқармаси ва булимига, унинг нусхаси Республика Марказий банкнинг тегишли ҳудудий бош бошқармасига жунатилади.

Шундай қилиб, банкнинг вақиллик ҳисобварағи бу-тижорат банкига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудий бош бошқармаларининг ҳисоб - китоб марказларида очилган ҳисобварақ булиб, у банклараро ҳисоб-китобларини утказишга мужаллангандир.

Вақиллик ҳисобварағи ҳам бошқа ҳисобварақлар сингари 20 разряддан иборат. Ҳисоб-китоб марказида вақиллик ҳисобварақлари тижорат банкларига ҳамда ҳисоб касса марказларига очилади. Бошқа банкларга очилган вақиллик ҳисобварақлари 21302- баланс ҳисоб рақами буйича, ҳисоб касса марказларига очилган вақиллик ҳисобварақлари 21304 - баланс ҳисоб рақами орқали олиб борилади. Масалан: Ўзмевабзавот банкнинг Кибрай булими Тошкент ҳисоб китоблар Марказида асосий вақиллик ҳисобварағини очган. Унинг БДМАБ томонидан берилган коди 00410. Мевасабзавот банки Кибрай булимининг ҳисоб китоб варағи номери қуйидагича булади.

21302000K00000410001

бунда:

- 1 21302 -«Бошқа банклардаги вақиллик ҳисобварақларига тулашга» деб номланган баланс ҳисоб варағи номери.
- 2 000 - валюта коди, бу 3 та ноль вақиллик ҳисобварағининг «сум» да юритилишини билдиради.
- 3 K - назорат калити
- 4 00000410 - банкнинг уникал коди. Мевасабзавот банкнинг коди 00410 Лёкин ҳар бир ҳисобварақда уникал код учун 8 та рақам ажратилгани сабабли, бу код ноллар билан тулдирилади.
- 5 001 - ушбу банк ҳисобварағининг тартиб номери

Юқорида курсатилган вакиллик ҳисобварағи ҳисоб- китоблар марказида юритилиб ХКМ учун пассив ҳисобварақлардир. Маблағларнинг келиб тушиши ва ҳисобвараё қолдиги ҳисобварақининг кредит қисмида, маблағларнинг камайиши эса унинг дебет қисмида акс эттирилади. Барча туловлар вакиллик ҳисобварағи қолдиги чегарасида амалга оширилади.

Ҳар бир банкнинг узи ҳам вакиллик ҳисобварағини юритади. Бу ҳисобварақ банк балансининг актив қисмида юритилиб, банкнинг ички вакиллик ҳисобварағи деб номланади. Ички вакиллик ҳисобварағи 10301 баланс ҳисобварағида юритилади. Тижорат банкининг ҳисоб-китоб марказида очилган вакиллик ҳисобварағи ташқи вакиллик ҳисобварағи деб юритилди. Туловни амалга ошириш учун асосий мезон операцион куннинг бошида ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларидаги оборотларнинг ва қолдик маблағларининг бир-бирига мос келиши ҳисобланади. Туловнинг энг катта суммаси чекланмаган. Ҳар куни эрталаб ҳисоб маркази тамонидан берилган тижорат банки ҳисобварағидан кучирмаси тижорат банки томонидан тасдиқлангандан сунг ушбу ҳисобварақ буйича янги кун операциялари бошланади.

Шундай қилиб, банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоб маркази орқали ташкил этилади. Ҳисоб-китоблар маркази - бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудий бош бошқармаларининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб ва ҳисоб-китоблар бошқармасининг булими булиб, унинг функциясига банкларнинг вакиллик ҳисоб-китобварақларига хизмат курсатиш ва банклараро ҳисоб-китобларнинг узликсизлигини таъминлаш киради.

Ҳисоб-китоб марказлар маълумотларини қабул қилиш , назорат ва узатишнинг автоматлашган тартибига эга булган тулов тизимининг ишончилиги ва хафсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда бу марказлар электрон туловлар тизими асосида банклараро ҳисоб - китобларни олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига утиши билан банк тизимида бир қатор узгаришлари булиб утди. Икки поёнали банк тизими пайдо булди. Тижорат банкларининг шахобчалари кенгайтирилди. Бундан ташқари турли мулкчилик шаклларининг пайдо булиши банклар уртасидаги муносабатларнинг купайишига олиб келди. Шу муносабатлар буйича ҳисоб-китобларни уз вақтида тезкорлик билан амалга ошириш учун янги автоматлаштирилган тизимни жорий этиш зарурати тугилди.

Илгари почта ёки телеграф орқали тулов ҳужжатлари бир банкдан иккинчи банкка жунатилганда туловлар бир неча кунга, хатто 15-20 кунга чузилиб кетар эди. Бундан ташқари ноқонуний авизоларни жунатиш ҳоллари

ҳам кузатилган эди. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида янги туловлар тизимини жорий этиш масаласи кун тартибига қуйилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилнинг 18 мартдаги 146- сонли «Банк тизимини ривожлантириш ва пул муомаласини барқарорлаштириш чора тадбирлари» ҳақидаги қарорида банклараро ҳисоб-китобларни яхшилаш билан боғлиқ булган бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Улар қуйидагилардир:

1. Компьютер марказларини жорий этиш;
2. Электрон почта тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
3. Ҳисоб ишларини автоматизациялаштириш;
4. Ноқонуний ҳисоб-китоб операцияларини утказишни олдини олиш;
5. Ноқонуний авизо-огоҳномаларни расмийлаштиришга йул қуймаслик.

Купгина тижорат банкларида банкнинг ҳисоб ишларини механизациялаш даражаси жуда паст эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банклараро ҳисоб-китобларни электрон почта тизими орқали ташкил этишга қарор қилди. Электрон почта орқали туловлар тизимининг техник жихатдан урнатишнинг унча киммат эмаслиги, қисқа муддатда тадбик этилиши, кадрларни тез муддатларда уқитилиши янги тизимнинг жорий этилишини тезлаштирди. Дастлаб тажриба утказилди. 1994 йилнинг июль-октябрь ойларида Марказий банк томонидан программа ишлаб чиқилди ва шу йилнинг 1-октябридан эътиборан электрон почта тизимидан тажриба сифатида фойдаланила бошланди. Тажриба давомида уни ишлатиш буйича узгаришлар киритилди. Дастлаб туловларни 2-4 кун ичида утказилишга эришилди.

Халқ хужалигидаги ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида 1995 йил бошидан бошлаб ҳар бир вилоят Марказий банк қошида ҳудудий ҳисоб марказларини ташкил этишга қарор қилинди. Ҳар бир райондаги илгари фаолият курсатиб келган клиринг марказлари епилиб, уларнинг фаолияти тухтатилди. Шу муносабат билан оддий почта авизолари бекор қилинди. Республика ичидаги барча ҳисоб-китоблар узоёи билан икки кун ичида утказилиши белгилаб берилди. Шу тарика электрон туловлар тизими жорий этилди.

Электрон туловлар тизими бу-умумдавлат тизими булиб, банклараро туловларни ташкил этади ва у қоғозсиз технологияларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки электрон почта воситалари орқали утказилишига асослангандир. Ҳозирги кунда электрон туловлар тизими юқори утказиш имкониятига эга булиб, туловларнинг республика микесида 15-20 дакика мобайнида утишини таъминлайди. Бир ҳудуд, яъни вилоят ичида

эса туловлар 3-5 дақиқа ичида яқунланади.Электрон туловлар тизими қуйидаги функцияларни бажаради:

1.Ўзбекистон Республикаси банклари уртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни жадаллаштириш;

2.Узатиладиган электрон тулов ҳужжатларини рухсатсиз ташқи дахл этишдан ҳимоя қилиш;

3.Банкларнинг вақтинча пул ресурсларидан самарали фойдаланиш;

4.Кредит ва хатарлилик даражасини бошқариш;

5.Тулов операцияларини тартибга солувчи қонун ва қоидаларга риоя қилиш;

6.Тижорат банклари томонидан амалдаги қонунчиликка ва банк фаолияти меъерий ҳужжатларига риоя қилиниши буйича Марказий банкнинг назорат ва кузатув функцияларини бажариш;

7.Маълумотлар базасини яратиш.

Электрон туловларни утказишда инициатор ва бенифициар банклар иштирок этади.Инициатор банк бу-тулов операцияларини бошловчи банк,бенифициар банк эса тулов операцияларини яқунловчи банкдир.Банклар уртасидаги ҳисоб-китоблар электрон тулов ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Электрон тулов ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шаклда пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асл нусхаси асосида яратилган «электрон» белгили ҳужжат булиб,унинг асосий нусхаси ҳисобланади ва асл нусха кучига эга булади. Электрон туловлар тизимида узатиш учун мулжалланган ҳужжатларнинг туёри тулдирилганлиги учун банк мижози жавобгар булади. Худудий ахборотлаштириш Марказига қайта ишлаш учун узатиладиган электрон тулов ҳужжатларини ҳисоблаб утказиш, ҳисобдан чиқариш ва уларнинг электрон файлларини шакллантирилиши туёрилиги учун жавобгарлик инициатор-банкка, худудий ахборотлаштириш марказидан қабул қилинадиган тулов ҳужжатлари учун жавобгарлик эса бенифициар банкка юклатилади. Электрон тулов тизими бир қатор принциплар асосида фаолият курсатиб, улар қуйидагилардир:

1. Туловлар буйича трансакцияни утказиш ташаббуси инициатор-банкка тегишли булади;

2. Туловни амалга оширишдан олдин операцион куннинг бошида тижорат банкларининг ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларидаги оборотлар ва қолдиқ маблағлари бир-бирига мувофиқлиги текширилади;

3. Амалга оширилган трансакция қайтарилмайди.

4. Туловларнинг энг юқори суммаси чекланмаган

5. Туловларнинг инициатор - банк томонидан вакиллик ҳисоб варағидаги маблағ қолдиги чегарасида туланади. Ундан ортиқча маблағ сарфлаш овердрафт суммаси миқдорида амалга оширилиши мумкин.

Электрон туловлар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаш марказлари ва ҳисоб-китоб марказларидир. Электрон туловлар тизимидан фойдаланувчилар булиб ҳисоб-китоб касса марказлари ва тижорат банклари ҳисобланади. Электрон туловлар тизими иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тижорат банклари , ахборотлаш марказлари ва ҳисоб - китоб марказлари уртасида тузилган шартнома билан тартибга солиниб турилади.

Ҳар бир банк электрон туловлар тизимига кушилиши учун аввало Республика Марказий банкида руйхатга олинган ҳамда БДМАБ томонидан уникаль код берилган булиши лозим. Шу билан бирга ушбу банк электрон туловлар тизимига чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга булиши лозим. Шундан сунг банк электрон туловлар тизимига улангунча ахборотлаштириш бош маркази ходимлари Ёрдамида маълумотларни қабул қилиш , узатиш буйича бир неча синов тажрибаларини утказиш йули билан банк тайЁргарлигининг хафталик тажриба текшируви утказилади. Бундай тажриба текширув ишлари ижобий натижа олгунча давом эттирилади.

Тажриба тугагандан сунг худудий ахборотлаштириш марказида банкнинг электрон туловлар тизимида ишлашга тайЁр эканлиги туЁрисида далолатнома тузилади ва банк электрон туловлар тизимига кушилади.

Ҳисоб - китоб марказлари электрон тулов тизимига уланган тижорат банклари билан белгиланган вақт давомида алоҳида тармок орқали ахборот алмашиш тартибида иш олиб боради. Электрон тулов тизими буйича иш куни бошланишидан банкларнинг ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларининг колдиклари ва оборотлари қийматининг мослиги тахлил қилингандан сунг банкларга тизимда ишлашга рухсат этилади. Файлларни қабул қилиш қайта ишлаш ва назорат қилиш , жунатиш автоматик режимда сеанслар буйича амалга оширилади.

Банклардан келган ҳар бир электрон файл бир дақиқа интервал билан қайта ишлаб турилади . Келган ҳар бир файл ички назоратдан утказилади Текширувдан муваффақиятли утган файл ҳисоб-китоблар марказида қайта ишлашга рухсат этилади. Келиб тушган тулов турига қараб ХКМда бухгалтерия проводкалари амалга оширилади. Лекин текширув жараЁнида бирор бир Ёзувида хато чикса ҳам файл тулиЁича банкка қайтарилади.

Ҳисоб-китоб марказида банклараро оборотларни утказиш учун бир қатор ҳисоб варақлар юритилади. Энг куп ишлатиладиган ҳисобварақлар

ҳисоб - китоблар маркази балансининг актив қисмидаги 17400 ва балансининг пассив қисмидаги жойлашган 27400 ҳисобварақларидир. Бу иккала ҳисобварақлар транзит ҳисобварақлар булиб, 17400 ҳисобварақ олиннадиган банклараро оборотларни, 27400 ҳисобварақ туланидиган банклараро оборотларни ҳисобга олиш учун ишлатилади. 17400 ва 27400 ҳисобварақлар асосий ҳисобварақлар булиб, уларнинг ҳар бири бир нечтадан субҳисобварақларни уз ичига олади. Улар ҳақида қуйида тухталиб утамыз.

Ҳисоб-китоблар марказидан утадиган барча туловлар ҳудуд ичидаги ва ҳудудлараро туловларга булинади.

Туловларнинг ҳар бир булимини алоҳида куриб чиқамиз

а) Ҳудуд ичидаги банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоби

Бир ҳудуд ичида банклараро ҳисоб китоблар - бу бир ҳисоб китоб марказида очилган вакиллик ҳисобварағига эга булган банклар орасидаги ҳисоб-китоблардир. Ҳудуд ичидаги банклараро ҳисоб-китобларни утказиш учун 27416 баланс ҳисобварағи ажратилган. 27416 ҳисобварағининг номи «Бир ҳисоб китоблар Маркази ичидаги узаро ҳисоб китоблар»дир. Бир ҳисоб-китоб марказида хизмат курсатадиган банкларнинг барча электрон тулов ҳужжатлари 27416 - баланс ҳисобварағида ҳамда тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади. Тижорат банкларидан электрон ҳужжатларни қабул қилиб олган ҳисоб китоб маркази уларни банклар буйича саралайди. Бу ҳужжатларнинг узи алоҳида дебет ва кредит ҳужжатларига булинади. Шундан кейин дебет ҳужжатлари буйича алоҳида куредит ҳужжатлари буйича алоҳида бухгалтерия Ёзувлари утказилади. Дебет ҳужжатлари буйича дастлаб қуйидаги проводка утказилади.

Дебет 27416

Кредит 21302 ТБ «А»

Бир вақтнинг узида қуйидаги жавоб проводкасси утказиалади.

Дебет 21302 ТБ «Б»

Кредит 27416

Бу икки Ёзув орқали биз 27416 ҳисобварағининг транзит ҳисобварақ эканлиги ва бир вақтнинг узида Ёпилишини куриш мумкин. Ҳисоб-китоб Марказларига тижорат банкларига тушадиган ҳужжатларнинг асосий қисми кредит ҳужжатларидир. Кредит ҳужжатлари буйича ҳам ҳисоб-китоб Маказларида бухгалтерия Ёзувлари утказилиб улар қуйидагилардир.

Бир тижорат баанкининг вакиллик ҳисоб варағида пул маблағларининг камайиши буйича:

Дебет 21302 ТБ «А»

Кредит 27416

Иккинчи тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағида пул маблағларининг камайиши буйича:

Дебет 27416

Кредит 21302 «Б»

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ва бу вакиллик ҳисобварағига маблағларни утказиш ҳар бир келиб тушган Ёзувнинг қайта ишлаш жараёни билан бир вақтда амалга оширилади, шунинг учун барча тулов ҳужжатлари бир вақтнинг узида 27416 ҳисобварағининг ҳам дебети ҳам кредити буйича акс эттирилади.

Бу ҳол ҳар бир операция буйича ва мос равишда кун яқунлари буйича 27416 - ҳисобварағининг автоматик равишда Ёқилишига олиб келади, яъни ҳисобварақ қолдиги нольга тенг булади 27416-ҳисоб рақамининг 0 га Ёпилиши бир ҳисоб китоблар Марказига қарашли тижорат банклари уртасида ҳисоб китобларнинг муваффақиятли яқунланганлигини курсатади.

Бир ҳудуд ичидаги барча туловлар тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағи буйича чиқариладиган кучирмаларда 27416 - шахсий жавоб варақада ва ҳудуд ичидаги утказмалар журналида акс эттирилади. Уларни кун охирида мажбурий тартибда берилади. Ҳудуд ичидаги банклараро ҳисоб китоблар таққосланмайди, лёкин улар буйича ҳисоб тузиб борилади. Марказий банкка бериладиган ҳисобот учун ҳудуд ичидаги туловлар буйича 606 - шаклдаги тузилган ҳисобот Тошкент шаҳри ахборатлаштириш бош марказига топширилади. Унда кун буйича ҳисоб-китоб марказидан утадиган ҳудуд ичидаги дебет ва кредит оборотларининг умумий суммаси сони курсатилади.

Б) Ҳудудлараро ҳисоб - китоблар ҳисоби

Банклараро ҳисоб китоблар бир вилоят ичидаги ҳисоб - китоблар маркази орқали амалга оширилиб қолмай вилоят ташқарисига ҳам чиқиши мумкин. Бунда банклараро ҳисоб-китоблар вилоят марказий банки бошқармалари қошида очилган Ҳисоб-Китоб марказлари орқали утказилади.

Турли Ҳисоб-Китоблар марказида вакиллик ҳисобварағига эга булган банклар уртасидаги ҳисоб-китоблар ҳудудлараро ҳисоб-китоблар деб юритилади.

Ҳудудлараро ҳисоб-китобларда Ҳисоб-Китоблар марказларидан утадиган барча электрон туловларнинг филиаллараро оборотлари ҳисоб-

китоблар марказларида очиладиган куйидаги ҳисобварақларида акс эттирилади.

27402-жорий куннинг бошлангич авизоси

17405 - жорий кунининг жавоб авизоси

17409 - жорий куннинг таққосланган авизоси

27414- таққосланмаган кредит авизоси

Ҳар бир тижорат банкдан келиб тушган барча электрон тулов ҳужжатлари асосида ҳисоб китоблар марказида дебет ва кредит электрон авизолар шаклланади. Худудлараро ва банклараро ҳисоб-китоблар буйича ҳам бухгалтерия ёзувлари алоҳида кредит ва дебет алоҳида кредит электрон авизолар буйича дастурий йул билан амалга оширилади. Худудлараро банклараро туловларни бир ҳисоб китоб маркази бошлаб беради, иккинчи ҳисоб маркази эса уларни қабул қилади, яъни операцияларни яқунлайди. Операцияларни бошлаб берувчи ҳисоб китоблар марказида куйидаги бухгалтерия ёзувлари утказилади:

Дебет 21302 ТБ «А»

Кредит 27402

Тушуниши осон булиши учун кредит авизолари буйича операцияларни келтирамиз. Юкоридаги бухгалтерия Ёзуви ҳам кредит авизолари буйичадир. Бу бухгалтерия Ёзуви биринчи ҳисоб китоблар марказида туловчи тижорат банкининг ҳисоб варағидан пул камайтирилиб куннинг боланЁич авизоси ҳисоб варағига утказилгани ва бошланЁич банклараро оборотлар бажарилганлигини билдиради.

Ҳисоб-китоблар марказида бошқа (биринчи) ҳисоб-китоблар иккинчи марказининг тижорат банкданг олинган электрон авизолар буйича дастурий усулда куйидаги жавоб бухгалтерия Ёзуви утказилади.

Дебет 17405

Кредит 21302 ТБ «Б»

Бу бухгалтерия Ёзуви биринчи ҳисоб-китоблар Марказидан келган электрон авизога жавобан , электрон пулларни жорий куннинг жавоб авизоси ҳисоб варағи орқали «Б» тижорат банкининг вакиллик хивоб варағига утказилганлигини билдиради. Бошқача қилиб айтганда бир ҳисоб-китоб маркази бошлаган банклараро операцияси иккинчи ҳисоб-китоб марказида яқунланади.

Барча худудлараро ҳисоб-китоблар тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағларида ва 17405, 27402 - баланс ҳисобварақларининг шахсий ҳисобварақларида акс эттирилади. Ҳисоб китоблар Марказидан жунатилган

электрон тулов хужжатлари асосида «Худудлараро ҳисоб китоблар буйича жунатилган хужжатларнинг электрон авизорлари руйхати ва 606 -шаклдаги ҳисобот тузилади. Олинган электрон авизолар буйича эса « Худудлараро олинган ҳисоб китоблар буйича олинган электрон авизолар руйхати» тузилади.

Ҳисоб-китоб марказдалари яратилган (яъни тижорат банкларидан олинган хужжатлар асосида шакллантирилган) дебет ва кредит авизолар асосида ҳар куни 606 шаклдаги ҳисобот шаклланади. Худуд ичидаги ва худудлараро туловлар мавжуд булмаган ҳолларда ҳам ҳисобот тузилади, лёкин бу ҳисобот шакли кунлик айланмаси ноль холида тузилади. Бунда айланмалар йил бошидан бошлаб ҳисоботда акс эттирилади.

Худудлараро ҳисоб китоблар буйича 606 - ҳисобот шакли тизими вақти қатъий чегараланган, чунки бундай ҳисоб китоблар буйича таккослаш операциялари утказилади. Таккослаш учун уз вақтида олинган маълумотлар асосида электрон табуляграмма тузиш лозим булади.

Тузилган ҳисобот компьютер экранига чиқарилади, сунгра маълумот тарзида коғозга босиб чиқарилади. У руйхат билан Ёки худудлараро туловлар ва 27402 ҳисоб рақамининг шахсий ҳисобварақалари билан филиаллар ҳисобварақаларининг ҳисобварақаларини Ёзиш буйича бухгалтерия Ёзувларини ҳисобга олмаган ҳолда такқосланади. Тузилган ҳисобот Ахборатлаштириш Марказига берилади. Бу ерда ҳисобот текширувдан утказилади ва берилган ҳисобот буйича тасдиқ файли тузилади ҳамда ҳисоб-китоблар марказига жунатилади. Тасдиқ файлини олгандан сунг ҳисоб-китоб марказларида улар қайта ишланади. Қайта ишлаш жараёнида хатолар топилиши мумкин, бундай ҳолларда ҳисобот хатоларни қайта тузатган ҳолда қайта тузилади ва Ахборотлаш бош марказига юборилади.

Умуман, ҳисобот давридаги ахборотлар жорий кун учун 27402 - ҳисоб рақам буйича куннинг охиридаги қолдикка тенг булиши шарт. Йил бошидан ҳисобланган оборотлар йил бошидан бошлаб 27402-ҳисоб рақам буйича соф оборотларга тенг булиши лозим

Ҳисоб китоблар марказидан 606 ҳисобот ва электрон авизоси билан олинадиган файллар Ахборотлаш бош марказида «филиаллараро оборотлаш текшируви» буйича кейинги босқичда қайта ишланади. Бундай текширувни утказишдан «такқослаш» вазифасини бажариш учун электрон табуляграммаларни шакллантиришдир.

Электрон туловлар тизимида худудлараро ҳисоб китоларни амалга оширилишини назорат қилиш учун Ҳар бир ҳисоб китоблар марказида такқослаш вазифаси урнатилган. Такқослаш вазифасининг моҳияти кун давомида ахборотлаштиришнинг бош марказидан олинган электрон

табуляграммаларни барча жавоб электрон авизолар билан солиштиришдир. Ушбу вазифа ҳисоб китоблар маркази амалиёт кунининг бажарилиши шарт булган якуний босқич булиб ҳисобланади. Ахборатлаштириш бош марказидан табуляграммалар олингандан сунг ҳисоб китоблар марказида « таққослаш» вазифасини амалга ошириш бошланади. Бу вазифани башариш жараёнида табуляграммалар туплами ва кун давомида ҳисоб китоблар марказидан утган жавоб авизолар тупламининг маълумотлари қуйидаги асосий белгилар буйича таққосланади.

«А» банкнинг коди

«Б» банкнинг коди

мижозлар ҳисобварақалари номери

авизо рақами, санаси, суммаси

Таққослаш натижалари буйича филиаллараро ҳисобварақаларининг ёпилиши билан якунланадиган ҳисоб китоблар марказининг ҳисобварақалари буйича тегишли бухгалтер утказмалари бажарилади. Юқорида кредит авизоларни мисол қилганимиз учун кредит авизолар буйича утказмаларни куриб чиқамиз. Таққослаган авизолар учун ҳисоб китоблар марказида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари кайд этилади.

Дебет 17409

Кредит 17405

Жавоб электрон авизолар руйхатда топилмаса ёки икки белги буйича қиёсланмаса бундай авизолар таққосланмаган авизолар булиб ҳисобланади. Таққосланмаган кредит авизолар буйича қуйидаги бухгалтерия утказмалари бажарилади.

Дебет 17409

Кредит 27414

Таққослаш вазифасини ҳал ҳилиш жараёнининг охириги босқичида филиаллараро оборотлар ҳисобварақаларини ёпиш автоматик тарзда амалга оширилади. Филиаллараро оборотлар буйича ҳисобварақалари фақат Тошкент ҳисоб китоб марказида очилган 27418 транзит ҳисобварақалари орқали утказмалар асосида ёпилади.

Тошкент шаҳар ҳисоб-китоблар марказида барча ҳудудий ҳисоб-китоб маказларидан филиаллараро оборотлар ҳисобварақаларини ёпиш туёрида электрон авизолар олингандан сунг дастурий тарзда қуйидаги бухгалтерия утказмалари амалга оширилади.

Дебет 17405

Кредит 27418

Дебет 27418

Кредит 17405

606 шаклдаги ҳисобот барча ҳисоб-китоблар марказларидан уз вақтида олинса ҳамда Тошкент шаҳар ҳисоб-китоблар марказига филиаллараро оборотлар ҳисобварақларини Ёпиш буйича электрон авизо юборилса, амалга оширилган утказмалар натижасида 27418- ҳисоб рақам ҳар куни 0 га ёпилади. Бу Республика буйича олинган операцион кун буйича ҳудудлараро барча ҳисоб-китоблар тўғри яқунланганлигини курсатади.

3. Тижорат банкларида вакиллик муносабатларини қўллаш соҳаларини кенгайтириш ва муҳофазалашни ошириш имкониятлари

Республика вазирлик ва идоралари Марказий банк электрон тизимларидан фойдаланишлари Марказий банкнинг ахборотлаштириш ишларини мувофиқлаштирувчи Раис ўринбосари рухсати орқали амалга оширилади.

Ахборотлаштириш Бош маркази Банк телекоммуникация тармоғидаги қурилмаларда тегишли созлаш ишларини бажариб, ахборот алмашинуви имкониятини яратади.

Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти Республика вазирлик ва идораларининг Марказий банк электрон тизимлари ресурсларидан фойдаланишлари учун уларни аниқ танилиш (аутентификация) ва маълумотларни шифрлаш, зарур ҳолларда маълумотларга электрон имзо қўйиш масалаларини ҳал этади.

Республика вазирлик ва идоралари билан Марказий банк ўртасида ахборот алмашинуви муҳофазаланган SSL (Secure Sockets Layer) протоколи ёрдамида амалга оширилади.

Электрон тизими администраторлари ресурслардан белгиланган даражада фойдаланиш учун рухсат берадилар.

Марказий банкнинг локал ҳисоблаш тармоғига Банк телекоммуникация тармоғи орқали салбий таъсирларни чегаралаш мақсадида Firewall (файрвол-тармоқ фильтри) ахборот муҳофазаси қурилмалари ўрнатилади.

Марказий банкнинг локал ҳисоблаш тармоғи ҳамда Банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширилган барча ахборот алмашинув жараёнлари автоматик тарзда электрон протоколга ёзиб борилиши шарт.

Тижорат банклари Банк телекоммуникация тармоғидан фойдаланувчилари ҳисобланиб, Марказий банкга ахборот узатишлари ҳамда Марказий банкдан ахборот олишлари учун идентификация ва аутентификация текширувларидан ўтадилар. Идентификация ва аутентификация текширувлари iKey, Touch Memory қурилмаларига ёзилган

махсус кодлар орқали амалга оширилади. Барча электрон ҳужжатлар (электрон тўлов ва бошқа электрон маълумотлар) криптографик тунел (шифрланган тармоқ) орқали узатилади.

Электрон тўлов маълумотлари (амалдаги электрон тўлов ҳужжати файлида «On line» тизимига ўтилгач, тасдиқланган тузилмадаги файл кўринишида) электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда Марказий банк АБМ Ҳисоб марказида қайта ишлашга қабул қилинади.

Марказий банк департаментлари ва мустақил бошқармаларининг компьютерлари алоҳида виртуал локал тармоқларда (vlan) ташкил этилади.

Марказий банк департаментлари ва мустақил бошқармалари Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти билан келишган ҳолда электрон тизим ресурсларидан фойдаланишлари учун Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қиладилар.

Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти Ахборотлаштириш Бош марказига электрон тизим ресурсларидан фойдаланиш даражасини белгиланган ҳолда фойдаланишни амалга ошириш учун рухсат беради.

Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти электрон тизимлардан фойдаланишда аниқ танилиш (аутентификация), ахборотларни шифрлаш ва электрон имзодан фойдаланилган ҳолда ахборот алмашинувини амалга оширади.

Ахборотлаштириш Бош маркази электрон тизимлардаги серверлар ресурсларидан чегараланган ҳолда фойдаланишга имконият яратади.

Ҳар бир фойдаланувчи ўзига юклатилган вазифалар даражасида электрон тизимлардан тўғри фойдаланиш учун жавобгар.

Марказий банк департаментлари ва мустақил бошқармалари компьютерларидаги банк сирини ва конфиденциал маълумотларни локал ҳисоблаш тармоқлардан кўриш имконияти чекланган бўлиши керак ҳамда ушбу компьютердан бошланғич фойдаланиш (ёқилганда) парол орқали кириш амалга оширилиши шарт.

Марказий банк Ҳудудий Бош бошқармаларининг бошқармалари ва бўлимларида алоҳида виртуал локал ҳисоблаш тармоқлари ташкил этилади.

Марказий банк электрон тизимлар ресурсларидан фойдаланиш учун Марказий банк Ҳудудий Бош бошқармалари бошлиқлари Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига белгиланган тартибда мурожаат қиладилар.

Марказий банк Ҳудудий Бош бошқармалари бошлиқлари ўзларининг электрон тизимлари ресурсларидан фойдаланиш учун рухсат берадилар.

Марказий банк Худудий Бош бошқармалари Ахборотни муҳофаза қилиш шўьбалари электрон тизимлар ресурсларидан фойдаланиш назоратини олиб борадилар.

Марказий банк «Криптомаркази»да ахборот муҳофазаси Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти томонидан ташкил этилади.

Марказий банк «Криптомаркази» электрон тизимларда маълумотларни шифрлаш, шифрдан очиш, электрон имзо билан таъминлаш, электрон имзосини текшириш ҳамда тизимга киришда текшириш ва рухсат бериш вазифаларини ўз вақтида, узлуксиз бажарилишини таъминлаши лозим.

Марказий банк «Криптомаркази»да ўз сервер ва дастурлар администраторлари тайинланиб, улар Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти директори кўрсатмасига асосан электрон тизимлар фойдаланувчиларига ресурслардан чегараланган ҳолда фойдаланиш имкониятини яратади.

Марказий банк «Криптомаркази»да электрон тизимлар ресурсларидан фойдаланиш рухсати берилиши билан боғлиқ ҳужжатлар йиғма жилди сақланади.

Барча кирувчи ва чиқувчи электрон ҳужжатлар, ахборот қабул қилинганлиги ва узатилганлиги тўғрисидаги умумий файллар сони ва электрон протоколларни (Log файлларни) маъсул ходим ҳар куни архивга олиши ва электрон архивни қайд этувчи махсус дафтарга ёзиши шарт. Электрон архив маълумотларини сақлаш муддати 10 йил.

Электрон рақамли имзо калитлари ва «Криптомарказ»да қўлланилувчи дастурлар ўзгариш бўлган ҳолатларда электрон архивга олинади.

«Криптомарказ»да фавқулотда ҳолатларда ишни қайта тиклаш учун серверларда Backup архиви (мавжуд маълумотлар ва сошлаш ҳолатларини сақлаш) ишлари амалга оширилади.

«Криптомарказ»да кўзда тутилмаган ҳолатлар учун дафтар юритилади. Бу дафтарда серверларни ёқиб-ўчириш (перезагрузка), электрон калитларни алмаштириш, сошлаш ишларини бажариш ва бошқа ҳолатлар қайд этилади.

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи ва тегишли мутахассислари ўз мансаб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электрон тўлов маълумотларини ўз вақтида, белгиланган тартибда, бетўхтов ишлов берилишини таъминлайди;

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида электрон архив юритувчи жавобгар ходим буйруқ асосида тайинланиб, ҳар куни банк амалиёт куни якунида белгиланган тартибда маълумотларни электрон архивга олади.

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида банк амалиёт куни якунида Ҳисоб маркази ва Электрон почта бўлимида қайта ишланган (қабул қилинган) электрон тўловлар тўғрисида электрон маълумотлар тайёрланиб, Криптомарказга узатилади ва Криптомарказдан олинган электрон маълумотлар билан солиштирилади.

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлими компьютерлари бошқа бўлим компьютерларидан алоҳида мантиқий (VLAN - виртуал тармоқ ташкил этилган ҳолда) ажратилган бўлиши лозим.

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимининг Oracle маълумотлар базасига бошқа бўлимлар локал ҳисоблаш тармоғидан тўғридан-тўғри кириш имконияти тўлиқ чегараланган бўлиши шарт.

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида жойлашган WEB серверга кирувчилар қатъий равишда аутентификация текшируви (iKey, Touch Memory ёки бошқа махсус калит) орқали киришга рухсат этилади.

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимининг серверлари жойлашган хоналар кодли кулф билан жихозланган ва хонага кирувчилар рўйхати раҳбарият томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимининг маълумотлар базаси администратори буйруқ асосида тайинланади. Маълумотлар базаси администратори раҳбариятнинг ёзма кўрсатмасига кўра маълумотлар базаси фойдаланувчиларини ишлашга рухсат этади ва уларнинг ишлаш ҳуқуқларининг (чегарасини) белгилаб беради.

Тизимга кириб-чиқиш амалиётлари электрон журнал-баённомаларда қайд этилиши керак.

АБМ тармоқ администратори томонидан Марказий банк электрон тўлов тизими фойдаланувчиларининг ишлашларига, АБМ маълумотлар базаси администратори ушбу фойдаланувчиларнинг тегишли маълумотларга ва улар билан тегишли амалиёт бажаришлари учун Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти билан келишилган ҳолда, АБМ раҳбариятининг ёзма кўрсатмасига асосан рухсат беради. АБМ раҳбариятининг ёзма кўрсатмалари йиғиб борилиб, йил охирида умумлаштирилади. Марказий банк электрон тўлов тизимидан фойдаланувчилар рўйхати буйруқ билан тасдиқланади. Маълумотлар базаси билан ишловчилар рўйхати Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаментига тақдим қилинади.

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимининг серверлари дастур ва бошқа электрон маълумотларни рухсатсиз

ўзгартиришдан муҳофазаловчи ахборот муҳофазаси дастурлари билан жиҳозланади.

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида доимий равишда антивирус дастури орқали барча кирувчи-чиқувчи маълумотлар текшириб турилиши шарт.

Ахборот муҳофазаси алоҳида хоналарда жойлаштирилган серверлар ва қурилмалар ёрдамида ташкил этилади.

АБМ телекоммуникация бўлими Банк телекоммуникация тармоғидаги ускуна ва қурилмаларнинг бенуқсон ишлашини, маълумотларни узатилишида ушланиб қолмаслигини таъминлайди.

Банк телекоммуникация тармоғини бошқарувчи ва ёрдамчи амалларни бажарувчи компьютерларига Банк телекоммуникация тармоғидан фойдаланувчилар (тижорат банклари ва бошқалар) ҳамда Марказий банкнинг локал ҳисоблаш тармоғи компьютерларидан кириш имконияти бўлмаслиги таъминланган бўлиши керак.

АБМ маълумотларни узатиш тармоғи ва маълумотларни узатиш тармоғига хизмат кўрсатиш бўлимлари томонидан Банк телекоммуникация тармоғи фойдаланувчиларини тармоққа улаш, тармоқдаги йўналиш (маршрутизация) имкониятларини белгилаш, тармоқдан ўчириш ишлари фойдаланувчиларни ёзма хатларига АБМ раҳбариятининг чиқарган қарорига асосан амалга оширилади. Барча хатлар йиғма жилдда йиғилиб борилади. Йил бошида тармоқ фойдаланувчилари тўғрисидаги жадвал тузилиб, АБМ раҳбарияти тасдиғидан ўтказилади ва эски йилдаги қарор билан тасдиқланган хатлар архивга топширилади.

АБМ телекоммуникация бўлимида тармоқ фойдаланувчиларининг алмашилган ахборотлари хажмлари ҳисоби юритилади.

АБМ телекоммуникация бўлими администраторининг компютери рухсатсиз киришдан муҳофазаловчи аппарат-дастурий қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

АБМ телекоммуникация бўлимидаги Банк телекоммуникация тармоғини бошқарувчи ёки ёрдамчи амалларни бажарувчи компьютерлари INTERNET тармоғига уланиши таъқиқланади.

Марказий банкнинг ҲККМ раҳбарлари, бош бухгалтерлари, сўнги назоратчилар ва маъсул ижрочи бухгалтерлари электрон тўлов ҳужжатини шакллантириш жараёнида унинг реквизитларини тўғри киритилганлиги ва қоғоздаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатиغا мослигига шахсан жавоб берадилар.

Марказий банк электрон тўлов тизимида қатнашувчи барча компьютерлар умумий банк локал ҳисоблаш тармоғи компьютерларидан

мантикий (VLAN - виртуал тармоқ ташкил этилган ҳолда) ажратилган бўлиши лозим.

Электрон тўлов ҳужжатларини киритувчи, тасдиқловчи, тўлов базасидан баланс ёки бошқа маълумот олувчи ходимлар (ҳар бир масъул ходим, бўлим бошлиқлари, бош муҳосиб ўринбосарлари ва бошқалар) қатъий танилиш (iKey, Touch Memory ёки бошқа махсус калит) орқали электрон тўлов тизимига киришга рухсат этилади.

Электрон тўлов тизимига локал ҳисоблаш тармоғи орқали кирувчи компьютерлар рухсатсиз киришни чегараловчи ускунавий-дастурий қурилмага эга бўлиши шарт.

Кунлик баланс, ҳисобварақлар қолдиқ қайдномаси, кирим-чиқим ордерлари ва бошқа тўлов ҳужжатлари алоҳида хонада жойлашган ва локал ҳисоблаш тармоғи орқали уланган принтерда дастурий равишда тўғридан-тўғри қоғозга чоп этилиши ва белгиланган тартибда имзолар билан расмийлаштирилиши лозим. Маълумотларни электрон файлга олиб, файлдан чоп этиш қатъиян ман этилади.

Марказий банкнинг ҲҚКМ раҳбарлари бош бухгалтерлар ва уларнинг ўринбосарлари, сўнги назоратчилар ва электрон тўлов ҳужжатларини тайёрловчи маъсул ижрочи бухгалтерлар билан уларни ишга қабул қилишда амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузишлари шарт.

Киритилган ва текширувдан ўтказилган электрон тўлов ҳужжатлари бош бухгалтер томонидан тўлов ҳужжатининг асл нусхаси билан солиштирилиб, дастурий равишда тўловни амалга оширишга рухсат берилади, сўнгра электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. («Тасдиқланган» ҳолатига ўтказилади)

ҲҚКМдан жўнатилган электрон тўлов ҳужжатининг электрон рақамли имзосининг ҳақиқийлиги Криптомарказда текширувдан ўтказилади ва АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимига қайта ишлаш учун узатилади. Электрон рақамли имзоси тасдиқланмаган электрон тўлов ҳужжатлари қайта ишлашга қабул қилинмайди ва бу тўғрисида ҲҚКМга маълумот узатилади.

ҲҚКМ электрон рақамли имзоси тасдиқланмаган электрон тўлов ҳужжатларини қайта технологик тартибда шакллантириб, АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимига қайта узатади.

АБМ ҳисоб маркази дастурларини эксплуатация қилиш бўлимида қайта ишланган электрон тўлов ҳужжатлари Криптомарказ электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади ва ҲҚКМга узатилади. ҲҚКМга қабул қилинган электрон тўлов ҳужжатларининг электрон рақамли имзоси текширилиб,

қайта ишланади. Агар электрон рақамли имзо тасдиқланмаса, электрон тўлов қайта ишлаш учун қабул қилинмайди ва бу ҳақда Криптомарказга хабар берилади. Криптомарказ томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаганлик сабаблари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилади.

Агар ХККМ моддий жавобгар шахслари электрон тўловлар тизими орқали мижозларнинг ҳисоб варақларидан ёки ХККМнинг ички ҳисоб варағидан маблағларни ҳисобдан чиқармасдан электрон тўлов хужжатлари файлларини жўнатганлиги натижасида ХККМга зарар етказган бўлса, зарар улардан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

Раҳбар ва масъул ходимлар хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёпиқ турдаги ахборотларни сир сақланиши бўйича жавобгардирлар.

Технологик, вақт ва маълумотларга киришга рухсат этиш режимларини қасддан бузган ходимлар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Агар АБМ Марказий банкка, тижорат банкларига йўл қўйилган тартиббузарликлар, хизмат вазифасида кўрсатилмаган ишларни бажариш натижасида жарима тўлаб зарар етказса, айбдор шахслар қонунчиликда кўзда тутилган ҳажм ва тартибда моддий жавобгарликка тортиладилар.

АБМ Ходимлар билан ишлаш бўлими Маълумотлар базаси билан ишлайдиган ходим ишдан бўшаганида ёки бошқа ишга ўтганида тармоқ администраторига, маълумотлар базаси администраторига ҳамда Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаментига ёзма маълумот беради. Тармоқ ва маълумотлар базаси администраторлари ходимнинг тармоққа кириш ва маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқларини бекор қиладилар.

Тармоқ администратори ва Маълумотлар базаси администратори бошқа ишга ўтганида ёки ишдан бўшаганида барча ҳуқуқлари бекор қилиниб, зудлик билан буйруқ асосида унинг ўрнига бошқа ходим тайинланади.

Марказий банк АБМ электрон почтаси орқали банкнинг молиявий фаолиятига тегишли банк сирли маълумотлари жўнатилганида, маълумотлар шифрланиши ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши шарт.

АБМ электрон почтаси орқали қабул қилинган ва узатилган электрон хужжатларнинг электрон журнал-баённомалари автоматик тарзда олиб борилади. Журнал-баённомалар ҳар куни дастурий йўл билан архивланади.

АБМ электрон почта администратори электрон почта серверларини тўғри ва узлуксиз ишлашини таъминлайди. Электрон почта журнал баённомаларини таҳлил қиладди. Таҳлил натижасида қоидабузарликлар

аниқланса, Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаментига ёзма маълумот беради.

АБМ электрон почта бўлимида электрон почта орқали ўтган электрон тўлов ҳужжатлари файллари архиви олиб борилади.

АБМ электрон почтасидан банк фаолиятига тегишли бўлмаган маълумотларнинг узатилиши қатъиян тақиқланади.

АБМ электрон почтаси орқали жўнатилаётган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури билан текширилган ҳолда жўнатилиши шарт.

АБМ электрон почтаси орқали банк фаолиятига тегишли бўлмаган маълумотларни юбориш натижасида кўрилган зарар қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор шахслардан ундирилади.

Ўтказилган зарарни аниқлаш мақсадида зарур ҳолларда ҳайъат тузилади ва электрон архив ҳужжатлари батафсил текшириб чиқилади.

Ҳайъат таркибига Марказий банкнинг ваколатли ходимлари ва зарар кўрган банк ходимлари киритилиши лозим.

Интернет тармоғи Марказий банк электрон тизимлари ва АБМ электрон почта тизимидан ажратилган бўлиши шарт.

Интернет тармоғидан фойдаланиш учун рухсат департамент ва мустақил бошқарма бошлиқларининг асосланган ёзма маълумотиغا асосан Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти томонидан берилади.

Марказий банк Интернет тармоғи администратори этиб Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти ходими тайинланади.

Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти томонидан Интернет тармоғи орқали фойдаланиш таъқиқланган сайтлар рўйхати тайёрланиб, Марказий банк Раисининг хавфсизлик масалалари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади ҳамда администратор томонидан ушбу интернет сайтларига кириш рухсати олиб қўйилади.

Валюта айирбошлаш шахобчалари, Кредит ахбороти миллий институти тизимлари маълумотлари тижорат банклари томонидан узатилиши учун хавфсизлик серверлари орқали идентификация ва аутентификация жараёнлари билан текширувдан ўтказилади. Барча текширув амалларидан тўғри ўтган фойдаланувчилар АБМнинг WEB серверида кейинги босқичдаги текширувдан ўтказилади. Фойдаланувчилар ушбу тизимлар сервердаги маълумотлар баъзасига тўғридан-тўғри кириш имкониятига эга бўлмаслиги керак. Хавфсизлик ва WEB серверларида автоматик тарзда электрон журнал-баённомалари юритилади. Журнал-баённомаларнинг сақланиш муддати – 1 йил. Тизим фойдаланувчилари ва уларнинг иш ҳуқуқларини мос равишда Кредит ахбороти миллий институти ҳамда МБ Валюта айирбошлаш

операциялари махсус Бош бошқармаси томонидан белгиланиб, Марказий банкнинг тегишли Раис ўринбосарлари рухсати билан берилади. Тизимлар алоҳида (виртуал VLAN) локал хисоблаш тармоқда бўлишлари зарур. Тизим администраторлари АБМ раҳбари томонидан буйруқ асосида тайинланади.

БДМАБ бўйича сўровномалар Марказий банк билан тижорат банклари ўртасида ташкил этиладиган шифрланган тармоқли муҳофазаланган тизим орқали узатилади. Узатилган сўровномалар (маълумотлар) БДМАБ бўлимида ишлов берилади ва шу тизимдан жўнатилади.

БДМАБ администратори АБМ раҳбарининг буйруғи асосида тайинланади.

«Нақд пул тизими» маълумотлари Lotus Notus электрон почта тизими орқали узатилиб, Lotus Notus электрон почтасининг мавжуд бўлган стандарт муҳофаза тизимидан фойдаланилади. Тизимни ишлатиш шартнома асосида АБМ га юклатилади.

АБМ архив бўлимида банклараро тўлов тизими ва ХККМнинг электрон маълумотлари «мустахкам» сақланиши ташкил этилади. АБМ электрон тўлов маълумотларини белгиланган муддатда бут сақлаш учун тегишли чоратадбирлар амалга ошириб, маълумотларни бут сақланишига жавобгар хисобланади. Электрон тўлов тизими ҳамда ХККМда техник носозлик (форс мажор) ҳолатларида иш фаолиятини тиклаш учун зарурий электрон маълумотлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлиши керак. Барча тегишли маълумотлар ташқи қурилмаларда камида 2 нусхада, ёнмайдиган сейфларда, бир биридан узоқлашган жойда, махсус дафтарларда қайд қилинган ҳолда сақланиши ташкил этилади. АБМ Архив бўлими маълумотларни тезкор тақдим этиш мақсадида компьютерларда 3 йилдан кам бўлмаган даврдаги маълумотларни сақлайди. Бу компьютерлар алоҳида виртуал тармоқларда ташкил этилади. АБМ Архив бўлимининг маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш хонаси кодли қулф ва сигнализация қурилмалари билан жихозланади. Бўлим ходимлари АБМ раҳбариятининг рухсати билан архив маълумотларини тақдим этадилар.

АБМ фавқулотда ҳолатларда банклараро тўлов тизими, ХККМ ва бошқа мавжуд тизимларнинг иш фаолиятини бетўхтов ишлашини таъминлаш мақсадида узоқлашган жойда Захира марказини ташкил этади. Захира маркази барча зарурий компьютер, ускуна ва қурилмаларига эга бўлиши керак. Захира маркази ишлари йилда камида бир маротаба текширувдан ўтказилади.

Захира маркази АБМнинг Асосий марказидан камида 5 км дан кам бўлмаган узоқликда жойлаштирилади ва Асосий марказнинг барча функционал имкониятларини тўлиқ ҳажмда ўзида мужассамлаштириши

лозим. Асосий марказнинг иш фаолияти тўхтаганда 1 соат ичида Захира маркази ишга туширилиши ва Асосий марказнинг функцияларини бажара олиши шарт.

Фавқулодда ҳолатларда Асосий ва Захира марказлари ишсиз ҳолатга келганда маълумотларни қайта тиклаш мақсадида АБМ Архив маркази ташкил этилиши лозим. Архив маркази Асосий марказдан узоқлашган жойда ташкил этилади (50 км дан кам бўлмаган масофада). Архив марказида 24 соат ичида Асосий марказ функциялари “Фавқулоддаги ҳолат”дан келиб чиққан талаблар қайта тикланади.

АБМ Асосий, Захира ва Архив марказларида ахборот технологияларидаги қурилма, ускуна ва дастурларнинг (серверлар, телекоммуникация қурилмалари, дискли массивлар ва х.к.) ишлаши бўйича мониторинг ва назорат қилиш тизимлари мавжуд бўлиши лозим.

Электрон тўлов ва бошқа маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси “Банк сири тўғрисида”ги Қонунига асосан Марказий банк Раисининг АБМ ишига раҳбарлик қилувчи ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан амалга оширилади.

Хулоса

Маълумки, тижорат банкларининг асосий операцияларидан бири бу - ҳисоб-китоб операциялари бўлиб ҳисобланади. Хўжалик субъектлари ўртасидаги барча ҳисоб-китоблар нақд пулсиз кўринишда банклар орқали амалга оширилади. Иқтисодиётнинг ривожланиши, иқтисодий алоқаларнинг кенгайишида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар алоҳида ўрин эгаллайди. Республика иқтисодиётида охириги йиллардаги ўсиш суръатлари, жумладан, ЯИМ, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги юқори ўсиш суръатларини таъминлашда албатта нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўз ўрни бор, негаки ушбу тармоқларда барча ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўринишида амалга оширилади. Келажакда иқтисодиётдаги ўсиш суръатлари, иқтисодий алоқаларнинг ортиб бориши пировард натижада, иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг янада ошишига замин яратади.

Банкларда бажариладиган барча операциялар маълум бир меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади. Жумладан, тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларя энг аввало, “Марказий банк тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонуни ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” қонун, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги қонун, “Банк сири тўғрисида”ги қонун, “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом, «Хўжалик субъектларининг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларни кўчириш тўғрисидаги» йўриқнома ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилади.

“Марказий банк тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунида Марказий банкнинг вазифаларидан бири сифатида- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш² вазифаси белгиланган. Марказий банкнинг ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш вазифасини бажариши дунёнинг барча мамлакатларида бўлгани каби қуйидагиларни амалга оширишда намоён бўлади:

1. Тўлов тизимини ташкил этади ва бошқаради.
2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барча субъектлар учун мажбурий шакллари ва ҳужжатлар турини белгилайди ва ташкил этади.
3. Электрон тўловларни амалга оширишни ташкил этади.
4. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича юзага келадиган хатарларни олдини олиш бўйича зарур тадбирларни ишлаб чиқади тўловлар хавфсизлигини таъминлайди.

² Марказий банк тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонуни 1995 й 21 декабрь 3-модда (ЎЗР 09.09.2009 й. ЎРҚ-216-сон)

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” қонуннинг 33-моддасида банкларнинг ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланган бўлиб, унда “Банклар ва уларнинг мижозлари ҳисоб-китобларни Марказий банк белгилайдиган тартибда амалга оширадilar. Кўрсатилган тартибни бузганлик учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда жавобгар бўладilar”³. деб баён қилинган.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомда банклараро тўлов тизимида қўлланиладиган электрон тўлов ҳужжатларининг таркиби ва тузилиши, тўловларни амалга ошириш тартиби, узатиш ва қабул қилиш, вакиллик ҳисобварақларнинг юритилиши ва бошқалар кўрсатилган. Унга кўра, ҳар бир электрон тўлов ҳужжати ташаббускор банк томонидан жўнатиш учун тайёрланган ҳужжатни ва бенефициар банкда электрон усул билан олинган ҳужжатни идентификация қилиш учун мўлжалланган тегишли код билан белгиланиши керак. Операциялар тури кодлари ҳам “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомда ўз ифодасини топган.

³ “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонуни 1996 й 25 апрель 33-модда

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни 2005 йил 25 апрел. Халқ сўзи 2005 йил 26 апрель.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрдаги “Электрон тўловлар тўғрисида”ги ЎРҚ-13-сонли Қонуни

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ПҚ-1438- сонли Қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1325-сонли Қарори

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-640-сонли Қарори

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитасининг “Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида” Низом 2009 йил, 27 июль, 1986-сон

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низоми, 2002 йил 15 апрель, 1122-сон.

10. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М.Муллажонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б

12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

13. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011й.

14. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA», 2007. –347 б.

15. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. –187 б.

16. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.
17. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т.М., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши.-Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2009 йил
18. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Учебное пособие. / Афанасьева О.Н., Корниенко.С.Л., под ред. засл. деятеля науки РФ, д.э.н., проф. О.И. Лаврушина. - 2-е изд. - М.: КНОРУС, 2006. - 256 с.
19. Аҳмедова Н “Омонатлар ҳажми-мижоз ишончининг маҳсули” “Бозор, пул ва кредит журналы”, 2011 йил №2, 25 б.
20. Базарбаев Х, Раҳимова Х “Платежная система Республики Узбекистан в развитии” “Бозор, пул ва кредит журналы” №8 2002 йил №8, 27 б.
21. Мамажонов З. “Ўзбекистонда халқаро пластик карточкаларни жорий этиш ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” Т.: БМА, 2008 й.
22. Маҳрамова О “Пластик карточкалар тизимини такомиллаштиришда етакчи банклар” “Бозор, пул ва кредит журналы”, 2011 й №2, 19 б.
23. Маткаримов М. Тижорат банки ресурс базасини шакллантириш. “Бозор пул ва кредит” журналы, 2005 йил №1 10-13 б.
24. Фаттоҳова Ж. “Банк тизимларини ўзгартиш: зарурияти, моделлари, шарт-шароитлари” Т.: “Бозор, пул ва кредит”, 1998 йил № 6, 13 б.
25. Europay International, Regional Review, Achievements in 2001, page 20.
26. Усмонов Ж.Қ. “У держателей пластиковых карт есть преимущество”.
27. Газета “Банковские ведомости” №26(737), 16 июня 2010г.
28. Ўзбекистон Республикасини 2011 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари.// Норма маслаҳатчи, №18(251). 2010 йил 30 апрель
29. Интернет сайтлари:
- www.cbu.uz
 - www.mastercard.com
 - www.bankir.uz
 - www.uba.uz
 - www.uza.uz
 - www.uzpsb.uz
 - www.ipotekabank.uz
 - www.nbu.com
 - www.ahbor.uz
 - www.finanzinstitut-online.eu
 - web.worldbank.org